

Ўрта Осиё Археологияси: Тизимли Қазишмаларнинг Тарихшунослиги Масаласига Доир (Сўғдиёна Тарихимй-Маданий Ўлкасидаги Қазишмалар Мисолида)

Ботиров Д¹

Ўрта Осиёда одамзод тарихининг қадимги даврини ёритишда археологик тадқиқотлар хулосалари минтақа халқлари ўтмишига доир муҳим тарихий воқеликларни ёритишда асосий тарихшунослик маълумотларини тақдим этади. Айнан археологик тадқиқотлар минтақа халқлари тарихида илк цивилизацияга асос бўлган омилларни таҳлил этишда бирламчи аҳамият касб этади. Ўрта Осиёнинг қадимги ёдгорликларида тизимли археологик тадқиқотларнинг бошланиши XX асрнинг дастлабки чорагида, жумладан, Совет ҳокимияти ҳукмронлиги даврига тўғри келади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, минтақада бу даврда археология фани тез суръатларда ривожланди, бироқ, давлатчилик мафкурасидаги формацияли ёндашув бу тадқиқотларда ҳам ўз аксини топди. Ўз навбатида бу даврни Совет ҳокимияти ўрнатилганидан то II Жаҳон урушига қадар ҳамда Иккинчи Жаҳон урушидан - XX аср 90-йилларигача бўлган икки босқичга ажратиш мумкин.

Биринчи босқич археологиянинг тарих фани асосий соҳаларидан бирига айланиши ҳамда тадқиқотлар амалга оширишнинг янги усул ва услубларининг шаклланиши билан тавсифланади.

В.Л.Вяткин қўл остида 1912 йилдан Афросиёбда ўз тадқиқотларини бошлаган ҳамда 1919 йилдан доимий равишда қазишмаларда иштирок этган М.Е.Массон фаолияти билан Ўрта Осиё археологиясининг алоҳида илмий йўналиш сифатидаги тараққиёти бошланади. Гарчи, М.Е.Массон ва бошқа тадқиқотчиларнинг бу даврдаги фаолиятларида асосий эътибор ёдгорликларни аниқлаш, сақлаб қолиш ва қисман тиклашга қаратилган бўлса-да, бу жараёнда археологик тадқиқотларнинг янги усул ва услублари такомиллашиб борди.

XX асрнинг 30-йилларида минтақанинг қадимги тарихий-маданий вилоятларидан бири Сўғдиёнанинг кўпгина ҳудудларида археологик кузатув ва айрим тадқиқотлар амалга оширилди. Жумладан, бу даврда Самарқанд Сўғдидаги нафақат Афросиёб ёдгорлигида, балки, Самарқанд шаҳри атрофидаги турли қадимги қишлоқ манзилларида, Ургут тумани, Пастдарғом ҳамда Каттақўрғон ҳудудидаги айрим ёдгорликларда ҳам изланишлар олиб борилди. Самарқанд вилояти музейи ходими И.А.Сухарев ташаббуси билан Г.В.Григорьев иштирокида Самарқанд шаҳри атрофидаги ёдгорликларда қадимги даврга оид ашёларни йиғиш, ёдгорликларни суратга олиш ва харитага тушириш мақсадида бир неча илмий сафарлар уюштирилди. Шунингдек, шаҳарнинг қадимги муҳофаа иншооти – Девори Қиёмат қолдиқлари ўрганилди¹. Шунингдек, Г.В.Григорьевнинг тадқиқотлари туфайли Самарқанд шаҳри ва шаҳар атрофидаги кўрғонлар ҳамда уларнинг сув таъминотига доир айрим илмий хулосалар вужудга келди².

¹ Термиз давлат университети

¹ Сухарев И.А. Отчет об археологической разведке в Самаркандской группе районов 1935-1936 гг. // Архив Музея Истории и культуры народов Узбекистана г. Самарканда. - 1936. №252. - С.85; Он же. Работа над составлением археологической карты Самаркандской группы районов // Архив Музея Ист.куль.нар.Узб. г. Самарканда. - 1937. №347. - С. 115.

² Григорьев Г.В. Поселения древнего Согда (по данным исследования городиш Самаркандского района) // КСИИМК. - Москва-Ленинград, 1940. Вып. VI. - С. 17-28.



Каттакўргон сув омбори курилиши муносабати билан В.А.Шишкин раҳбарлигида ҳудудда археологик кузатув ишлари олиб борилди ва қадимги даврга доир кулолчилик, металлсозлик, шишасозлик буюмлари қўлга киритилди³. 1933 йилда Зарафшон дарёсининг юқори оқимида, Қум дарёсининг Зарафшонга қуйилиш қисмида жойлашган Муғ тоғи қасри ҳаробаларида А.А.Фрейман раҳбарлигида олиб борилган қазिशмаларда турли ёзма манба қолдиқларини ҳам топишга муваффақ бўлинди¹.

Археологик изланишлар мазкур даврда Бухоро Суғди ҳудудида ҳам олиб борилди. 1934-1935 йилларда В.А.Шишкин томонидан воҳанинг бош мудофаа иншооти – Кампирдевол ёдгорлигида изланишлар амалга оширилди. Шунингдек, илк ўрта асрлар даврининг машҳур ёдгорлиги – Варахша саройи ҳам ушбу изланишлар давомида “кашф” этилди. Тадқиқотчи шу йилларда Бухоро воҳасининг барча ҳудудларида археологик кузатув ишларини олиб борди, бу кузатув натижасида қўлга киритилган маълумотлар кейинчалик воҳада кенг миқёсли археологик тадқиқотлар амалга ошириш имконини берди. 1939 йилда А.Ю.Якубовский раҳбарлигидаги Эрмитаж музейи экспедицияси Пойкенд шаҳристони аркининг шимоли-шарқий қисмида қазишма ишларини амалга оширди. Экспедиция томонидан шунингдек, Бухоро воҳасининг шимоли-шарқий ҳудуди(Дабусия кўҳна шаҳрига қадар)даги археологик ёдгорликлар тадқиқ этилди. Экспедиция томонидан амалга оширилган тадқиқотлар натижасида воҳанинг шимоли-шарқий қисмидаги ёдгорликлар асосан Хайрободдарё, Самжон ва Хитфар каби дарё ҳавзаларида шаклланганлиги тадқиқ этилди². 1940 йилда Пойкенд шаҳристонида В.Н.Касаев раҳбарлигида изланишлар амалга оширилди.

1926 йилда Қашқадарё (Жанубий Суғд) воҳасида тарихий-топографик кузатувларни амалга ошириш мақсадида А.Ю.Якубовский илмий сафарга юборилди. Тадқиқотчи сафар давомида юздан ортиқ меъморчилик ёдгорликларининг суратини олиш билан бир вақтда айрим ёдгорликларда археологик кузатув ишларини ҳам олиб борди³. Қадимги ва ўрта асрлар даврида карвон йўлларининг ривожланиши ҳамда воҳани кўшни ҳудудлар билан боғловчи йўллар муаммоси М.Е.Массоннинг карвон йўлларидаги иншоотларнинг ўрганилишига доир изланишларида ўз аксини топди¹. Ушбу изланишларда воҳадан Амударё кечувлари – Келиф ва Каркига элтувчи йўлда жойлашган Базда (Кўҳна Файзли) ёдгорлиги тўғрисида ҳам дастлабки маълумотлар келтириб ўтилади. 1936 йилда археолог С.К.Кабанов воҳада дастлабки кузатув изланишларини амалга оширди. Бу кузатувлар туфайли Шуллактепа, Полвонтёпа, Толлисортепа, Қалъаи Заҳоки Марон ва бошқа бир қатор қадимий ёдгорликларга доир маълумотлар² ҳамда моддий ашёлар қўлга киритилди. Юқорида тилга олинган тадқиқотлар таҳлилига кўра, бу босқичда фақатгина Афросиёб ҳамда баъзи бир (Пойкенд) ёдгорликлардагина маълум бир режа асосида муайян тадқиқотлар амалга оширилганлигини, Суғдиёнанинг бошқа ҳудудларидаги тадқиқотлар эса, асосан, кузатув ва дастлабки изланишлардан иборат бўлганлигини кузатиш мумкин. Шу сабабли бу босқичдаги тадқиқотларда асосий эътибор ёдгорликларнинг шаклланишидаги асосий омиллар, уларнинг сув билан таъминланиши, мудофаа иншоотлари каби масалаларга қаратилди.

1945 йилдан бошлаб Ўрта Осиё, хусусан, Суғдиёнанинг қадимги тарихига доир археологик тадқиқотларнинг янги босқичи бошланди. Археологик тадқиқотларни режали ва мақсадли амалга ошириш мақсадида ЎзССР ФА Тарих ва археология институти қошида А.И.Тереножкин

³ Шишкин В.А. Археологические наблюдения на строительстве Катта-курганского водохранилища // Изд.УзССР. - Т., 1940. №10. - С. 5-17.

¹ Фрейман А.А. Находка согдийских рукописей и памятников материальной культуры в Таджикистане // Согдийский сборник. – Ленинград, 1934. - С. 3-27.

² Якубовский А.Ю. Из истории археологического изучения Самарканда // ТОВЭ. – Ленинград, 1940. Т.II. - С. 285-336.

³ Якубовский А.Ю. ГАИМК-ИИМК и археологические изучения Средней Азии за 20 лет // КСИИМК. - Москва-Ленинград, 1940. Вып. VI. - С. 16-17.

¹ Массон М.Е. Проблема изучения цистерн-сардоб // Тр. САГУ. - Ташкент, 1935. - С. 23-24.

² Ражабова Н.Н. История изучения археологических памятников долины Кашкадарьи (к проблеме становления и развития археологической школы в Узбекистане): Автореф.дисс...канд.ист.наук. - Ташкент, 2007. - С. 14.



бошчилигидаги Самарқанд Археология базаси ва бир қатор махсус археологик экспедициялар ташкил этилди. Бу экспедицияларнинг олдига Суғднинг таркибий қисмларида цивилизация – шаҳарсозликнинг шаклланиши ва ривожланиши, ўлка ҳудудидаги суғориш тизими ҳамда этногенез масалалари билан бир вақтда қўшни ўлкалар билан савдо-иқтисодий ва маданий алоқалар тарихини тадқиқ этиш каби вазифалар қўйилган эди³.

Самарқанд Суғдининг марказий ёдгорлиги Афросиёбда А.И.Тереножкин изчил тадқиқотларни амалга ошириб, кўп сонли ва хилма-хил манбаларни тўплашга муваффақ бўлди. 1950 йилга келиб тадқиқотчи томонидан Суғднинг ижтимоий ҳаёти ва қўшни ўлкалар билан маданий алоқалари доирасида йирик тадқиқот¹ амалга оширилди. Шунингдек, тадқиқотчи қадимги шаҳарнинг умумий майдони ҳусусида ҳам тахминий ҳулосалар (219 га) келтириб ўтди². Бироқ, бу тадқиқотлар ёдгорликнинг барча ҳудудларини қамраб олмаганлиги боис Тарих ва Археология институти томонидан 1958 йилда В.А.Шишкин раҳбарлигида махсус Афросиёб археологик экспедицияси ташкил этилди. Бу экспедиция 1885 йилда тузилган шаҳар топографик режаси бўйича ёдгорликнинг барча ҳудудларида тадқиқотлар олиб борди³. Бу тадқиқотлар жараёнида шаҳарнинг вужудга келиш даври ва омиллари, сув таъминоти, муҳофаа иншооти, маданий қатламлари таҳлили билан бир вақтда ҳунармандчилик маҳаллаларида ҳам бир қатор қазилма ишлари амалга оширилди. Бу тадқиқотларда илк ўрта асрлар даври Самарқанд шаҳри ҳунармандчилиги турли соҳаларига оид кўплаб моддий манбалар қўлга киритилди.

Самарқанд шаҳри ва унинг атрофлари сув таъминотида доир тадқиқотлар 1957 йилда Я.Ғуломов раҳбарлигида амалга оширилди. Дарғом каналининг юқори қисмида изчил тадқиқотларни амалга оширган тадқиқотчи воҳанинг асосий сув манбаи ушбу иншоот бўлганлиги тўғрисидаги ҳулосага келди, шунингдек, воҳа қадимги даврларда сунъий суғоришга асосланмаганлиги, аксинча, табиий жиҳатдан Сиёб дарёси ва бир қанча булоқ сувлари ёрдамида суғорилганлигинини таъкидлаб ўтди⁴. Бироқ, 1959-1965 йилларда Г.В.Шишкина, Н.Б.Немцева ва М.Н.Федоров томонидан амалга оширилган археологик тадқиқотлар натижасида воҳа аҳолиси мил. авв. VI-V асрлардаёқ ирригация соҳасида катта билим ва кўникмаларга эга бўлганлиги ҳамда Дарғом канали мил.авв. I асрларда барпо этилганлиги¹ аниқланди. Зарафшон дарёси қуйи ҳавзасининг суғорилиш тарихига доир кейинги тадқиқотлар А.Р.Муҳаммаджонов томонидан амалга оширилди².

Бу даврдаги тадқиқотлар Афросиёб ёдгорлигидан ташқари Самарқанд Суғдининг бошқа ҳудудларида ҳам олиб борилди. Жумладан, 1959-1960 йилларда В.А.Шишкин Ургут туманидаги бир қатор ёдгорликларда кузатув ва дастлабки тадқиқотларни амалга оширди. 1961 йилда С.К.Кабанов Зарафшон дарёси шимолидаги Қатвон дашти ҳудудидаги ёдгорликларда³, О.В.Обельченко эса шу ҳудуддаги мазор-қўрғонлар⁴да тадқиқот олиб бордилар. Воҳанинг илк ўрта асрлар даври бош муҳофаа иншооти – Девори Қиёмат эса шу йилларда В.А.Нильсен ва Т.Агзамхўжаев томонидан тадқиқ этилди. Урушдан кейинги қарийб 20 йилга яқин вақт давомида Афросиёб ва қисман бошқа ҳудудлардаги ёдгорликларда амалга оширилган изчил тадқиқотлар натижасида шу даврга қадар олиб борилган изланишлар ҳамда топилмаларни

³ Каршиева Ф.М. история и культура Древнего Согда (VI-V вв. До н.э.-V-VI вв н.э.) в Советской историографии: Автореф. дисс... канд. ист. наук. - М., 1987. - С. 6.

¹ Тереножкин А.И. Согд и Чач // КСИИМК. - Москва-Ленинград, 1950. Вып. XXXIII. - С. 151-169.

² Каршиева Ф. Суғдиёна солномаси. - Тошкент, 1987. - Б. 25.

³ Шишкин В.А. К истории археологического изучения Самарканда и его окрестностей // Афрасиаб. -Ташкент: Фан, 1969. Вып. I. - С. 3-121.

⁴ Гулямов Я.Г., Исламов У.И., Аскарлов А.А. Первобытная культура и возникновение орошаемого земледелия в низовьях Зерафшана. - Ташкент, 1966. - 296 с.

¹ Шишкин В.А. К истории археологического изучения Самарканда.. - С. 67.

² Муҳаммаджонов А.Р. К вопросу о водоснабжении Афрасиаба // Афрасиаб. - Ташкент: Фан, 1969. Вып. I. - С. 294-300; Ушбу муаллиф. Қуйи Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихи. - Тошкент: Фан, 1972. - 375 б. ва бошқ.

³ Кабанов С.К. Изучение стратиграфии городища Афрасиаб // СА. - М., 1969. №1. - С. 35-42.

⁴ Обельченко О.В. Курганы в окрестностях Самарканда // Афрасиаб.-Ташкент: Фан, 1973 Вып. II. - С. 94-107.



тахлил этиш асосида чиқарилган илмий хулосалар махсус номдаги бир неча жилддан иборат тўплам⁵да акс этди.

1947-1970 йилларда СССР ФА Моддий маданият институти ва Давлат Эрмитаж Музейининг Тожиқ-Суғд экспедицияси Самарқанд Суғдининг тоғли Зарафшон худудидаги бош шаҳар ёдгорлиги – Панжикент шаҳристонида изчил археологик тадқиқотларни амалга оширди⁶. Дастлаб А.Ю.Якубовский, кейинчалик И.М.Дьяконов ва А.М.Беленицкий раҳбарлигида олиб борилган тадқиқотлар V-VIII асрлар даврига оид ёдгорликда¹ Суғдда шаҳар маданиятида хунармандчилик ишлаб чиқаришининг ўрни, турли хунар соҳаларининг ихтисослашуви ва ривожига доир муҳим археологик топилмаларни қўлга киритиш имконини берди. Шунингдек, Панжикент қазилмаларида олиб борилган тадқиқотлар туфайли шаҳар ҳаётидаги ижтимоий муносабатлар тизими ҳамда шаҳар аҳолисининг табақалари²га доир муҳим хулосалар чиқарилди. Қолаверса, Панжикент ёдгорлиги тадқиқотлари Суғд тарихининг илк ўрта асрлар даври тарихини даврлаштиришда ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. Панжикент ёдгорлигида олиб борилган ҳамда Суғднинг шаҳар маданияти ва бошқа ўлкалар билан маданий алоқаларига доир тадқиқотлар натижалари 1977 йилда ташкил этилган махсус Бутуниттифок илмий анжумани маърузалари тўплами³да ўз аксини топди.

Бухоро Суғдидаги Варахша шаҳристони худудида урушгача бўлган даврда амалга оширилган айрим қазилмаларни такрор ўрганиш ҳамда ёдгорликнинг айрим қисмларини таҳлил этиш мақсадида 1947 йилда В.А.Шишкин, В.А.Нильсен ва Л.И.Альбаум томонидан кузатув ишлари амалга оширилди⁴. Ёдгорликни ўрганишга доир дастлабки изчил тадқиқотлар 1949 йилда бошланди ва 1954 йилга қадар В.А.Шишкин раҳбарлигида давом эттирилди. Бу тадқиқотларда ёдгорлик худудларида Суғд хунармандчилигига доир кўплаб маҳсулотлар қўлга киритилди. 1952-1953 йилларда воҳанинг чўлга туташиб кетувчи шарқий худудларида чорвадор ва ярим кўчманчи қабилаларга тегишли мазор-қўрғонлари О.В.Обельченко томонидан тадқиқ этилди⁵. 1954 йилда VI – VIII асрларга доир кўплаб моддий ашёларни қўлга киритиш имконини берган тадқиқотлар Пойкенд шаҳристони яқинида амалга оширилди¹.

XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб воҳада ЎзССР Тарих ва Археология институтининг Я.Ғуломов раҳбарлигидаги Моҳандарё археологик гуруҳи изчил тадқиқотларни олиб борди. 1963 йилга келиб В.А.Шишкиннинг Бухоро воҳасида шу даврга қадар амалга оширилган тадқиқотларни ҳам ўзида акс эттирувчи махсус асари² эълон қилинди. 1968-1969 йилларда Моҳандарё гуруҳи аъзолари томонидан олиб борилган қазилмаларда ҳам қадимги даврга тегишли кўплаб ашёлар қўлга киритилди³. Умуман олганда 1970 йилга қадар воҳадаги ёдгорликларда амалга оширилган тадқиқотларда асосий эътибор қадимги суғориш тизими масалаларига қаратилди⁴.

⁵ Афрасиаб. Сборник статей. - Ташкент: Фан, 1969. Вып. I.-330 с.; Вып. II.-1973. - 235 с.; Вып. III.-1974. - 237 с.; Вып. IV.-1975. - 164 с.

⁶ Труды Таджикской археологической экспедиции. Т. II (1948-1960 гг.); Т. III (1961-1963 гг.); Яна қаранг: Каршиева Ф.М. История и культура древнего Согда в Советской историографии... Ч. II. - С. 3.; Ч. III. - С. 50.

¹ Беленицкий А.М., Маршак Б.И., Распопова В.И. Раннесредневековая археология Средней Азии в свете раскопок в Пенджикенте // Раннесредневековая культура Средней Азии и Казахстана. - Душанбе: Дониш, 1977. - С. 9.

² Маршак Б.И. Искусство раннесредневекового Согда как явление городской цивилизации // Городская среда и культура Бактрии-Тохаристана и Согда. - Ташкент: Фан, 1986. - С. 61-63.

³ Раннесредневековая культура Средней Азии и Казахстана.-Душанбе: Дониш, 1977. - 183 с.

⁴ Шишкин В.А. Археологические работы 1947 года на городище Варахша // Изв. АН УзССР. - Ташкент, 1958. №5. - С. 11-29.

⁵ Обельченко О.В. Кую-мазарский могильник // ТИИА АН УзССР. - Ташкент, 1956. VIII. - С. 17-34.

¹ Каршиева Ф.М. История и культура древнего Согда в Советской историографии... Ч. II. - С. 29.

² Шишкин В.А. Варахша. - М.: АН СССР, 1963. - 250 с.

³ Амиров Я. Отчет о раскопках Сеталак в Бухарском оазисе за 1969-1970 гг. // ФВМА АН УзССР. - Самарканд, 1970. - С. 23.

⁴ Мухаммаджонов А.Р. История орошения Бухарского оазиса (с древнейших времен до начала XX века). - Ташкент, 1978. - С. 14.



Қашқадарё воҳасининг мазкур даврда археологик жиҳатдан ўрганилиши археолог С.К.Кабанов номи билан узвий боғлиқдир. Воҳадаги ёдгорликларга доир тизимли археологик тадқиқотлар 1946 йилдан бошланди⁵, жумладан, воҳа ҳудудидаги Қўхна Файзли ва Касбитепа ёдгорликларида қазилма ишлари амалга оширилди. С.К.Кабанов араб географлари асарларида тилга олинган маълумотларни ушбу ёдгорликлар топографияси билан қиёсий солиштириш асосида уларнинг ўрта асрлар даври Базда ва Касби шаҳарлари эканлигини аниқлади⁶. 1946 йил кузида Амударё экспедицияси аъзолари А.И.Тереножкин ва Л.И.Альбаум томонидан Қуйи Қашқадарё ҳудудидаги бир қатор ёдгорликларда кузатувлар амалга оширилди⁷. 1948 йилда Б.Я.Ставискийнинг воҳа ҳудуди Суғднинг таркибий қисми бўлганлиги ҳақидаги мақоласининг эълон қилиниши¹ ва ушбу мақола туфайли вужудга келган мунозаралар² кенг миқёсли археологик тадқиқотлар олиб борилишига тўртки берди.

Тарих ва археология институти топшириғига кўра С.К.Кабанов воҳа ҳудудидаги ёдгорликларни ўрганиб чиқиш мақсадида 1949-1950 йилларда кузатув – текшириш ишларини амалга оширди. 50-йилларнинг ўрталаридан Чимкўрғон сув омборининг қурилиши муносабати билан ҳудудда изчил тадқиқотлар амалга оширила бошланди. Хусусан, 1955 йилда Овулттепа ва Жангалтепа, шунингдек, уч йил мобайнида (1955-1957 йй) Овулттепа ва Киндиклиттепа каби ёдгорликларда олиб борилган тадқиқотлар туфайли илк ўрта асрлар даври пул хўжалиги ҳамда ҳунармандчилигига доир муҳим топилмалар олинди³. 1959-1964 йилларда Моҳандарё археологик гуруҳи Қуйи Қашқадарёда, воҳанинг Бухоро Суғди билан туташиб кетувчи ҳудудида бир қатор тадқиқотларни амалга оширди. Бу тадқиқотлар илк ўрта асрлар даври бошларида Суғд ҳунармандчилиги(кулолчилиги)нинг кейинги тараққиётига таъсир кўрсатган омилларни таҳлил этиш имконини берди.

1963 йилда М.Е.Массон раҳбарлигидаги Кеш археологик-топографик экспедицияси(КАТЭ)нинг ташкил этилиши⁴ воҳанинг шарқий, яъни илк ўрта асрлар даври Кеш мулки ҳудудларида кенг кўламли тадқиқотларни амалга оширишга тўртки берди. Нумизматика, тарихий топография ва кончилик тарихига доир изчил тадқиқотларни амалга ошириш экспедиция томонидан бажарилиши лозим бўлган асосий йўналишлар сифатида белгилаб олинди⁵. Белгиланган йўналишлардан келиб чиқиб, Қашқадарёнинг юқори ва ўрта оқими ҳавзасидаги йирик шаҳарларнинг топографик режаси ишлаб чиқилди, шунингдек, қадимги давр ёзма манбаларида тилга олинган шаҳар ва мулклар ўрнини аниқлашга доир ҳулосалар чиқарилди¹.

Тадқиқотлар таҳлиliga кўра, бу босқичда асосан, Суғдиёнанинг йирик тарихий ёдгорликлари – қўхна шаҳарларда ва қисман мамлакат халқ хўжалигидаги қурилиш–бунёдкорлик тадбирлари билан боғлиқ равишда бошқа ёдгорликларда изчил тадқиқотлар олиб борилди. Амалга оширилган кенг кўламли тадқиқотлар натижасида Суғд ҳудудидаги илк ўрта асрлар даври шаҳарсозлиги ва шаҳар маданиятига доир бир қатор илмий асарлар² яратилди. Афросиёб

⁵ Кабанов С.К. Нахшаб на рубеже древности и средневековья. - Ташкент, 1977. - С. 6.

⁶ Ўша асар. - С. 37.

⁷ Тереножкин А.И. Археологическая рекогносцировка в западной части Узбекистана // ВДИ. - М., 1947. №2. - С. 6-13.

¹ Ставиский Б.Я. Некоторые вопросы истории и топографии Древнего Согда // Вестник Ленинградского университета. - Ленинград, 1948. №3. - С. 128-136.

² Изох: Тадқиқотчи мулоҳазаларининг В.М.Массон томонидан қатъий рад этилиши бу мунозараларни бошлаб берган эди. Қаранг: Массон В.М. К локализации Согда // Тр. САГУ. Археология Средней Азии.-Ташкент, 1950. - С. 171-178.

³ Кабанов С.К. Остатки древних поселений на берегу р.Кашкадарьи // Изв. АН УзССР. - Ташкент, 1958. №2. - С. 89.

⁴ Тереножкин А.И. Археологическая рекогносцировка в западной части Узбекистана // ВДИ. - М., 1947. №2. - С. 6-13.

⁵ Ражабова Н.Н. История изучения археологических памятников долины Кашкадарьи... Автореф.дисс...канд.ист.наук. - Ташкент, 2007. - С. 16.

¹ Массон М.Е. Работы Кешской археолого-топографической экспедиции ТашГУ (КАТЭ) по изучению восточной половины Кашкадарьинской области УзССР // Тр. ТашГУ. Археология Средней Азии. -Ташкент, 1977. Вып 533. - С. 29-30.

² Шишкин В.А. Афрасиаб-сокровищница древней культуры. - Ташкент, 1969. - 35 с.; Он же. Варахша. - М.: АН СССР,1963. - 250 с.; Исаков А. Дворец Пенджикента. - Душанбе: Дониш,1977. - 200 с.; Массон М.Е. Столичные



ёдгорлигидаги тадқиқотлар натижасида шаҳарнинг шаклланиши эрамиздан аввалги I минг йилликнинг ўрталарида содир бўлганлиги аниқланди³ ҳамда ўша давр тадқиқотлари хулосалари асосида 1968 йилда Самарқанд шаҳрининг 2500 йиллик юбилеи нишонланди. Шунингдек, Сугдиёнанинг кўҳна шаҳарларида олиб борилган тадқиқотлар асосида шаҳар маданияти ва ижтимоий ҳаётига доир диссертациявий тадқиқот амалга оширилди⁴.

Археологик тадқиқотларнинг ушбу босқичида фикримизча, ёдгорликларни тавсифлашда формацияли ёндашув асосида уларнинг қайси тузумга тегишли эканлигини аниқлашга эътибор қаратилди. Шунга қарамасдан, бу тадқиқотларда археологик ёдгорликлардаги тарихий жараёнларни тадқиқ этишда муҳим бўлган маданий қатламлар ҳамда турли даврларга оид хунармандчилик (асосан, кулолчилик) маҳсулотларининг тавсифига доир муҳим таҳлиллар амалга оширилди, жумладан, Афросиёб ёдгорлигида олиб борилган қазишмалар асосида Г.В.Шишкинанинг маданий қатламлар тавсифига бағишланган тадқиқоти¹ эълон қилинди.

XX асрнинг 70-йиллари ўрталаридан археологик тадқиқотларнинг янги босқичи бошланди. Турли археологик экспедицияларнинг тадқиқот йўналишлари ва вазифалари қаторида хунармандчилик ишлаб чиқариши, Сугддаги урбанизация жараёнлари ва ёдгорликларнинг шаклланиши ҳамда қончилик тараққиёти масалаларини тадқиқ этиш² белгилаб олинди.

Мазкур давр мавзу доирасида муҳим тадқиқотлар Қашқадарё воҳасида амалга оширилди. Кеш археологик-топографик экспедицияси (КАТЭ) воҳанинг шарқий қисмида воҳадаги кичик дарё ва бошқа сув манбалари негизида қарор топган кичик деҳқончилик ҳавзаларининг илк ўрта асрлар даврида кенг ўзлаштириб борилишига доир изчил тадқиқотларни олиб борди. Жумладан, 1981-1984 йилларда экспедициянинг Н.И.Крашенинникова раҳбарлигидаги гуруҳи Шўробсойнинг ўрта оқимидаги ёдгорликларни тадқиқ этиб, деҳқончилик ҳавзаси мил.авв. I минг йилликнинг биринчи ярмида ўзлаштирилганлигини аниқлади³. Кейинги тадқиқотлар давомида Қашқадарёнинг ўнг қирғоғида, дастлабки манбаларини Зарафшон тизмаларидан олувчи Қоратош-чашма ҳавзасида ўзлаштирилган деҳқончилик воҳаси ҳам тадқиқ этилди⁴. Ушбу ҳавзалардаги ёдгорликларни тадқиқ этиш асосида Г.Я.Дресвянская деҳқончилик воҳаларининг асосий қисми айнан илк ўрта асрлар даврида ўзлаштирилганлигини қайд этди⁵.

Мамлакатда янги ерларнинг ўзлаштирилиши билан боғлиқ равишда Қашқадарёнинг қуйи оқими ҳавзасида археологик тадқиқотларни амалга ошириш мақсадида 1973 йилда Археология институтининг Қашқадарё экспедицияси ташкил этилди¹. Ўттиз йилдан ортиқ вақт мобайнида Қуйи Қашқадарё худудида олиб борилган тадқиқотлар давомида воҳанинг бош шаҳри Ерқўрғон (Нахшаб) ҳамда бошқа ёдгорликларда илк ўрта асрлар даври иқтисодий ҳаёт ҳамда хунармандчилик ишлаб чиқариши масалаларига доир муҳим маълумотлар олинди.

города и области низовьев Кашкадарьи с древнейших времен. - Ташкент, 1973. - 98 с.; Кабанов С.К. Нахшаб на рубеже древности и средневековья. - Ташкент, 1977. - 176 с.; Беленицкий А.М., Бентович И.Б., Большаков О.Г. Средневековый город Средней Азии. - Ленинград: Наука, 1973. - 392 с. и др.

³ Шишкин В.А. Афрасиаб-сокровищница древней культуры. - С. 32.

⁴ Анарбаев А.А. Благоустройство средневекового города Средней Азии: Автореф. дисс... канд. ист. наук. - Ленинград, 1977. - 20 с.

¹ Шишкина Г.В. Древний Самарканд в свете стратиграфии западных районов Афрасиаба: Автореф. дисс... канд. ист. наук. - Ташкент, 1969. - 20 с.

² Ражабова Н.Н. История изучения археологических памятников долины Кашкадарьи.. Автореф. дисс... канд. ист. наук. - Ташкент, 2007. - С. 18.

³ Крашенинникова Н.И. Восточные районы области Кеша в раннем средневековье // Раннесредневековая культура Средней Азии и Казахстана. - Душанбе: Дониш, 1977. - С. 71-72.

⁴ Крашенинникова Н., Пардаев М. Шимолий Кеш археология ёдгорликларининг ўрганилиши хусусида // Сугд Марказий Осиёнинг маданий алоқалари тизимида. - Самарқанд, 1999. - Б. 49-50.

⁵ Дресвянская Г.Я. Раннесредневековые города и поселения восточной части Южного Согда // Городская среда и культура Бактрии-Тохаристана и Согда. - Ташкент: Фан, 1986. - С. 37-38.

¹ Каршиева Ф.М. История и культура древнего Согда в Советской историографии... Ч. II. - С. 27.



Бухоро воҳасидаги тадқиқотлар қадимги шаҳар ҳаробаларида амалга оширилди. Жумладан, 1972 йилдан Зарафшон археологик гуруҳининг Р.Равшанов бошчилигидаги аъзолари Бухоро шаҳридан 25 км узоқликда жойлашган Ромитон шаҳристонида қазилмалар олиб бордилар. Кейинги тадқиқотлар давомида шаҳар милодий IV-V асрларда юксак тараққиётга эришганлиги тадқиқ этилди⁴. 1976-1984 йилларда Археология институтининг Бухоро археологик экспедицияси томонидан воҳанинг бир қатор қадимий йирик ёдгорликлари, жумладан, Бухоро, Пойкенд, Варахша каби шаҳарларида¹ ҳамда қишлоқ ва қўрғон ёдгорликларида ҳам бир қатор қазилмаларни олиб борди. Бу қазилмалар натижасида воҳадаги шаҳар маданияти, шунингдек, қишлоқ ва қўрғонлар ривожига доир тадқиқот²лар амалга оширилди, ушбу тадқиқотларда воҳа ҳунармандчилиги соҳалари ривожига доир муҳим ҳулосалар чиқарилди.

¹ Мухаммеджанов А.Р., Адылов Ш.Т. Городские памятники низовьев Зерафшана в IV в. до н.э.-VIII в. н.э. (к вопросу о формировании и развитии городской культуры в регионе) // Городская культура Бактрии-Тохаристана и Согда. - Ташкент: Фан, 1987. - С. 77-86.

² Адылов Ш.Т. Становление и развитие городской культуры Бухарского Согда по материалам стратиграфических исследований (IV в. до н.э.-VIII в. н.э.): Автореф. дисс... канд. ист. наук. - Самарканд, 1987. - 21 с.; Абдиримов Р. Раннесредневековые поселения Бухарского Согда (районирование, типология, периодизация): Автореф. дисс... канд. ист. наук. - Самарканд, 1988. - 22 с.

